

ISSN 2415 - 8771

ИНТЕРНАУКА
internauka.org

**СЛХІХ МЕЖДУНАРОДНАЯ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ
КОНФЕРЕНЦИЯ**



**МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ:
ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ**

«МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»

*Сборник статей по материалам CLXIX международной
научно-практической конференции*

№ 22 (169)
Июнь 2020 г.

Издается с декабря 2015 г.

Москва
2020

УДК 08
ББК 97
М75

Председатель редакционной коллегии:

Ходакова Нина Павловна – д-р пед. наук, проф. Московского городского педагогического университета, чл.-кор. Академии информатизации образования, проф. Европейской и международной Академии Естествознания, почетный профессор и почетный доктор наук Российской Академии Естествознания.

Редакционная коллегия:

Виштак Ольга Васильевна – д-р пед. наук, канд. тех. наук, зав. кафедрой Информационных систем и технологии Балаковского института техники, технологии и управления (филиал) ФГБОУ ВПО «Саратовский государственный технический университет им. Гагарина Ю.А.»;

Дейкина Алевтина Дмитриевна – д-р пед. наук, проф. кафедры теории и практики преподавания русского языка и русского языка как иностранного (ТППРЯиРКИ) Московского государственного педагогического университета (МПГУ). Руководитель научной школы «Аксиологическая лингвометодика: мировоззренческие и ценностные аспекты в школьном и вузовском преподавании»;

Добротин Дмитрий Юрьевич – канд. пед. наук, доц. Московского городского педагогического университета;

Напалков Сергей Васильевич – канд. пед. наук, ст. препод. Арзамасского филиала ФГАОУ ВО «Нижегородский государственный университет им. Н.И. Лобачевского».

М75 Молодой исследователь: вызовы и перспективы. сб. ст. по материалам CLXIX междунар. науч.-практ. конф. – № 22 (169). – М., Изд. «Интернаука», 2020. – 501 с.

ISSN 2415-8771

ББК 97

ISSN 2415-8771

Оглавление	
Доклады конференции на русском языке	15
Гуманитарные науки	15
Секция 1. Культурология	15
ПРОБЛЕМАТИКА ТОЛЕРАНТНОСТИ В МОЛОДЁЖНОЙ СФЕРЕ НА ПРИМЕРЕ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ АЛТАЙСКОГО КРАЯ	15
Евсеева Дарья Олеговна Голубева Антонина Романовна	
Секция 2. Лингвистика	21
СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ В ФОРМИРОВАНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОРИЕНТИРОВАННОГО ОБЩЕНИЯ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА	21
Касенова Жамиля Муратхановна Жумабекова Галия Байскановна	
Секция 3. Литературоведение	29
ПРОБЛЕМА НОМИНАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ РОМАНА Г. ЯХИНОЙ «ДЕТИ МОИ»)	29
Михайлова Анна Александровна Некрасова Ирина Владимировна	
Секция 4. Педагогика	32
ТЕМАТИЧЕСКИЙ ПЛАН ЛЕКТОРИЕВ ДЛЯ РОДИТЕЛЕЙ ПЕРВОКЛАССНИКОВ И СЕМИКЛАССНИКОВ	32
Болотова Яна Евгеньевна	
СУЩНОСТЬ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ПЕДАГОГОВ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ	37
Зотова Елена Михайловна	
ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ КАК СРЕДСТВО ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНЫХ УМЕНИЙ	43
Светличная Айгуль Жолдасхановна	
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ: ПЛЮСЫ И МИНУСЫ	48
Шамрай Влада Юрьевна	

O'zbek tilidagi konferensiya ma'ruzalari	456
Gumanitar	456
1-секция Tilshunoslik	456
ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ ВА МАВЗУИЙ ТАСНИФИ ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР Собирова Зарнигор	456
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТЕРМИНОЛОГИК ТАРЖИМАНИНГ БАЎЗИДА УЧРАЙДИГАН МУАММОЛАРИ (СПОРТ ТУРИЗМИ ТЕРМИНЛАРИ МИСОЛИДА) Собирова Зарнигор	459
ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ЛЕКСИК- СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАР Собирова Зарнигор	462
2-секция Adabiyot	465
О'ЗБЕК VA JAHON ADABIYOTIDA MILLAT MA'NAVIYATI MASALASI (ABDULLA QAHHOR VA AZIZ NESIN HIKOYALARI MISOLIDA) Dilnoza Ilhomova	465
YOSH IJROCHILARNI TARBIYALASHDA BASTAKOR ABDUHOSHIM ISMOILOV IJODI Mamadaliyeva Aziza Mansurjon qizi	469
3-секция Pedagogika	472
“O'QISH VA YOZUV KAMCHILIGI BO'LGAN BOLALARNING SHAXS VA SHAXSLARARO MUNOSABATLARI” Irgasheva Xurshida Murodovna Obidova Fotima Avazbek qizi	472
BOLANING MAKTABGA O'TISH DAVRIDA UCHRAYDIGAN O'ZIGA XOS MUAMMOLARIGA PSIXOLOGIK YONDASHUV Jo'rayeva Sarvinoz Jahongir qizi	475
O'ZBEKISTONDA SO'Z ERKINLIGI - QIYOSIY TAHLIL Olimova Charos Eshpulot qizi	478
BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI MA'NAVIY-AXLOQIY RUHDA TARBIYALASH Qurbonova Dilnura Qahramon qizi Xolliyeva Aziza To'ra qizi	481
ТАЪЛИМ- ТАРБИЯНИНГ ИНСОН МАЪНАВИЯТИДАГИ ЎРНИ Бобомуродов Эркин Ҳаитович Жовлиев Жўрабек Алишер ўғли	484

Tabiiy va tibbiy ilm-fan	487
4-секция Biologiya fanlari nomzodi	487
HELANTHUS TUBEROSUS O'SIMLIGINING AMALIY AHAMIYATI VA DORIVORLIK XUSUSIYATI Shukrullo Foziljonov Fayzullo o'g'li	487
5-секция Jismoniy fan	490
KOSMIK TELESKOPLAR ORQALI QORA TUYNUKNING KUZATILISHI Ro'ziyeva Nargiza Olimjon qizi	490
Ijtimoiy-iqtisodiy, ilm-fan	493
6-секция Iqtisodiyot	493
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДЛАРИНИ РАЙОНЛАШТИРИШ ВА МИНТАҚАВИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТИ Абдухамидов Сарвар Адхамович Хайдаров Ойбек Зоирович	493
Texnik va matematik fan	497
7-секция Energiya	497
ENERGIYANI TEJASH USULLARI Atabek Ismandiyarov Temur Yo'ldoshov	497

ТУРИЗМ АТАМАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАР

Собирова Зарнигор

*стажёр-тадқиқотчиси, Бухоро давлат университети,
Ўзбекистон, Бухоро*

АННОТАЦИЯ

Туризм терминологиясининг лексик-семантик таҳлилида шуни таъкидлаш лозимки, бир томондан, лексик сатҳда туризм соҳасида инглиз терминологиясининг янада етук мақоми мавжуд ва ўзбек тилида асос сифатида намоён бўлади.

Калит сўзлар: туризм атамалари, терминлар, луғат, семантика, ўзбекчалаштириш, интеграция, фойдаланиш, деривация.

Ўзбек тили туризм терминологияси ҳақида сўз борар экан, бу ерда бир неча ўзига хос жиҳатларни таъкидлаб ўтишимизга эҳтиёж туғилади:

1. Туризм тадбиркорлиги амалиётини нисбатан кейинроқ кенг кўламда тарғиб этганлигимиз, уни иқтисодиётнинг алоҳида истиқболли жабҳасига айлантирганимиз сабабдан, бизга қадар шакллантирилган ҳамда жаҳон андозасига айланган терминларни ўзлаштирамиз.

2. Ўзбек сайёҳлиги атамашунослигини, шунингдек, жаҳон (яъни инглиз) туризм терминологиясини дунё марраларида ўзини намоён этиб улгурган ўзбек санъати, анъаналари, ошхонаси ҳамда спорти асосида вужудга келган янги тушунчалар билан бойитамиз.

3. Ўзбек сайёҳлигида асосий залвор обидашуносликда бўлганлиги важдан кўпроқ эътиборимизни архитектура ва қурилиш дескриптив терминологиясига йўналтирамиз.

Биринчи босқичда, кўп сонли маданиятлар йиғиндиси бўлган инглиз туризм терминологиясини ўзлаштириш селектив тарзда амалга оширилиб, эҳтиёжимиздан ташқари бўлган атама ва тушунчаларни тушириб қолдириш ёки миллий менталитетимиз шароитига мослаштириш мақсадга мувофиқ вазифа.

Мисол учун *credit card* атамасини ўзлаштиришга бу тушунча билан боғлиқ банк операцияси мамлакатимизда амал қилмаслиги тўсиқ бўлади ва аксинча амалдаги пластик карталаримизга ишора қилувчи *bank/debit card* атамасини муқобил сифатида афзал қўришимизга тўртки бўлади.

Терминологиянинг шаклланиш жараёнида илгари луғатда бўлмаган лексемаларга маълум вақт оша эҳтиёж туғилиши ҳам табиий ҳодиса. Зеро, “атамалар лексиканинг тез ўзгарувчан соҳасидир, янги фан ва унинг тармоқларининг келиб чиқиши, янги оқим ва назариялар янги атамаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади”. Бу тўхтовсиз давом этадиган тараққиёт жараёни билан тушунтирилади. Масалан, сўнгги йилларда республикаимиз ҳудудида махсус туризм полицияси фаолият юрита бошлади ва автоматик тарзда уни мувофиқлаштирувчи термин ҳам ўзлаштирилди (*tourism police* → туризм полицияси). Инглиз туризм терминологиясини ўрганиб чиққан ҳолда шуни катта ишонч билан башорат қилиш мумкинки, тез орада ўзбек сайёҳлик атамашунослигида туризм статистикаси терминологиясини ўзлаштириш эҳтиёжи туғилади. Чунки туризмнинг мамлакатимиз сарҳадларида шахдам қадамлар ила одимлашини мақсад қиларканмиз, туризм физиологияси, маркетинг ҳамда менежменти устида бош қотириш жуда аҳамиятли стратегик вазифа саналади. Шу сабабдан яқин келажакда туризм статистикаси ўзбекча изоҳли луғатини тузиш тилшунос ҳамда филологлар учун навбатдаги истиқболли масала саналади.

Сўнгги бир неча йиллар ичида давлатимиз сезиларли суръатда ривожланиб бораётган тараққийпарвар мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига тушди. Бунинг оқибатида халқимизнинг яшаш даражаси ошиб, хорижий меҳмонларни қабул қилиш билан бир қаторда ўзининг ҳам ўзга юртларга сафар қилиш имконияти юзага келиб, кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида *disposable income* (яъни “аҳолининг бирламчи эҳтиёжларга сарф бўладиган даромади”) ва *discretionary income* (яъни “аҳолининг бирламчи эҳтиёжлардан ортиб, қўшимча мақсадлар йўлида харж этса бўладиган

даромади”) тушунчаларининг ўзлаштирилишига сабаб бўлади. Яъни тараққиёт янги терминологияга буюртмачи бўла олади.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, нафақат туризм балки ихтиёрий бошқа соҳа терминологиясини ўзлаштиришда ҳам миллий маданиятимиз шароитлари, ижтимоий-психологик қарашларимиз таъсирида у ёки бу атамага ён босишимиз мумкин. Масалан, *туризм саноати (tourism industry)* ўрнида муқобил сифатида *меҳмоннавозлик саноати* лексемасини ўзлаштириш меҳмондўст халқимиз маданияти учун жуда кўнгилдагидек иш бўлар эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 1) инглиз туризм терминологияси кўплаб маданиятлар таъсири асосида шаклланиб борган; 2) инглиз туризм терминологиясида синонимия, антонимия, полисемия ва маъно кўчиши салмоқли даражада; 3) ўзбек туризм терминологиясининг аксарият қисми четдан, хусусан, инглиз тилидан сўз ўзлаштириш орқали юзага келган; 4) ўзбек маданияти кўп соҳа, айниқса, шарқ архитектурасига оид терминлар билан жаҳон луғатини бойитган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Mahmudov N., Language linguistics research, Tashkent, classical vocabulary, 2017, 144-b.
2. Z. Sobirova, The Realistic Genre and its Development in World Literature - International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) ISSN: 2277-3878, Volume-8, Issue-3S, October 2019
3. Z. Sobirova, Lexical-semantic study of the terms of tourism in the Uzbek language - ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal, ISSN: 2249-7137 Vol.10, Issue 4, April 2020, Spl Issue, p 169-174
4. Z. Sobirova, Lexical-semantic study of the terms of tourism in English - ACADEMICIA An International Multidisciplinary Research Journal, ISSN: 2249-7137 Vol.10, Issue 4, April 2020, Spl Issue, p 193-201

«МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»

*Сборник статей по материалам CLXIX международной
научно-практической конференции*

№ 22(169)
Июнь 2020 г.

В авторской редакции

Мнение авторов может не совпадать с позицией редакции

Издательство «Интернаука»
125424, Москва, Волоколамское шоссе, д. 108, цокольный этаж,
помещение VIII, комн. 4, офис 33
E-mail: mail@internauka.org

16+

